



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 14 октябрь, шанба

№79 (11.264)

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

12 октябрь куни Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов кутиб олди.

«Дўрмон» қароргоҳида бўлиб ўтган Ислон Каримов ва Леонид Кучманинг яккама-якка суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик, террорчилик, бошқа долзарб жаҳоншумул муаммолар хусусида сўз борди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама қилинди.

Украина бизнинг асосий иқтисодий шерикларимиздан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми юз миллионлаб АҚШ долларини ташкил этади. Украина Ўзбекистондан, асосан, табиий газ, пахта толаси, тўқимачилик, самолётсозлик ва кимё sanoati, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари харид қилса, мамлакатимиз ундан шакар, қунгалбургия, қора металлургия, кимё ва машинасозлик соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар импорти қилади. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 124,88 миллион АҚШ долларини ёки 1999 йилнинг шу даврига нисбатан олганда, 103,9 фоизи ташкил этди.

Шу ўринда Украинанинг айни пайтдаги иқтисодий аҳоли хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Мамлакатнинг кўп йиллар ҳукм сурган иқтисодий инкироздан чиқиши унчалик осон кечмаяпти, албатта. Бироқ ўтган йилнинг иккинчи ярмига келиб, ишлаб чиқариш пасайишини тўхтатишга

эришилди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойида эса Украинада sanoat ишлаб чиқаришининг ўсиши кузатилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг салмоқли ҳуқуқий асоси мавжуд. Шу кунгача бу борада юзга яқин ҳужжат имзоланган бўлиб, улар мамлакатлараро муносабатларнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олади.

1999 йилда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Украина раҳбари Леонид Кучма томонидан имзоланган 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб бергани билан муҳим аҳамиятга эга. Унда қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни янада яхшилаш, маҳсулот ва транспорт транзитига кенг йўл очиш ҳамда қўйиштириш каби вазифалар акс этган.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокаралар сўнггида эришилган қилишувлар мазкур ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро ҳамкорлиги стратегик асосда қўйилгани бу муносабатларнинг юксак даражада эканидан дарак беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Украина расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Унда, жумладан, ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбойжон ва Молдова аъзо бўлган но-расмий тузилма) доирасида ҳамкорлик ҳамда Евроосиё транспорт йўлагини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

Евроосиё транспорт йўлагининг яратилиши ГУУАМ фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидламоқ зарур. У мазкур тузилмага аъзо мамлакатлар яқиндаги қўшма ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат Президентлари қўшма баёнотга имзо қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги протокол, фуқароларнинг ўзаро борди-келди шартлари, давлатларимиз ҳудуди-га гайрикўнуний равишда келадиган шахсларни ўзаро қабул қилиш ва топшириш, гиёҳвандлик воситалари,



моқ даркор. Мазкур иттифоққа аъзо давлатлар ўзларининг баъзи алоҳида-алоҳида қадамлари билан унинг амалда самара беришига тўққинлик қилаётгани ҳам маълум.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокараларнинг қанчалик самарали кечганини имзоланган ҳужжатларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Леонид Кучманинг юртимизга ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада юксалтириш Ўзбекистон учун ҳам, Украина учун ҳам жуда манфаатли эканини яна бир бор намойиш этди.

Украина Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмокда.

**Анвар КАРИМОВ,
Ғайрат САЪДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.**

Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга ташрифининг иккинчи куни Хотира ва Қадрлаш майдонидаги Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйиш маросимидан бошланди. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши фронтларидан қайтмаган ўзбекистонликлар орасида украин миллиятига мансуб минглаб жангчилар ҳам бор эди. Украина Президентини сукут сақлаб, ҳалок бўлганларнинг ёрқин хотирасини ёд этди.

Шу кун Ислонид Кучма Тарас Шевченко хайкалини очди. Бу кунги украинalik қурувчилар томонидан пойтахтимизга тўхфа сифатида қўйилган Тошкентдаги 110-мактаб олдида ўрнатилган.

Шундан сўнг Леонид Кучма Бухорога йўл олди. У Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, қўшма шахарнинг қадимий ёдгорликлари билан танишди.

Кучманинг иккинчи ярида Украина Президенти Ватанига жўнаб кетди.


СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.

Р.ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А. Н. СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неҳдет Сезер шу йил 16-17 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболларига оид ҳамда томонларни кизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмокда.



«ТАНОВАР» ГОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАДИ

ЧИНОЗ туманидаги Амир Темур номли ширкат ҳўжалиги деҳқонлари бу йил давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган эдилар. Таниқли рақоса Юлдуз Исматова раҳбарлигидаги республика «Тановар» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари голиб пахтакорлар ҳузурига ташриф буюриб, катта концерт дастури орқали уларни табриклашди. Ансамблининг яккагон хонандаси Зиёдилла Маҳка-



мовнинг дилрабо қўшиқлари, Гулҳеҳра Мирзаева, Ирода Музафарованинг жозибали рақслари дала меҳнаткашларига яхши кайфият бағишлади.

ЎЗ мухбиримиз.

ТИББИЙ ГУРУҲ ХИЗМАТДА



«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими қошида ташкил этилган ижтимоий-тиббиёт гуруҳи шифокорлари вақти-вақти билан қишлоқ туманлари меҳнаткашлари ҳузурига бўлиб, кам таъминланган оилалар аъзолари ва бола-

ларини тиббий кўриқдан ўтказмокдалар. Ўз сафига етакчи тиббий касб эгаларини бирлаштирган гуруҳ аъзолари йил бошидан бери Юқоричирчиқ, Пскент, Бўка ва бошқа туманларда бўлилар. Ташрифларда фақат фуқаролар саломатлиги текширилмай, айни пайтда уларни даволаш учун зарур дори-дармонлар, хлорли қоримчалар ҳам тарқатилади. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида сал кам ўн бир минг нафар фуқаро шундай хизмат билан қамраб олинди.

Гуруҳ аъзолари кунги кеча Қўйичирчиқ туманига жўнаб кетдилар.

ЎЗ мухбиримиз

БОЗОР КЕНГАЙТИРИЛДИ



УЧИНЧИ даха Бекободнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан. Ҳозир бу ерда минглаб хонандонлар истикомат қилишмоқчи. Шу даҳада мавжуд бўлган бозор талабни қондирмай қолди. Ўзи тор бўлиб, савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун етарли моддий-техника базаси йўқ эди. Шуларни ҳисобга олиб уни қайта қуришга ки-

ришилди. Бунинг учун 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Бозорни кенгайтириш учун бунёдкорлик ишларини олиб борган 15-механизациялашган кўча жамлама жамоаси жадал меҳнат қилди. Натижада қайта қуриш ишлари қисқа муддатларда ниҳоясига етказилди. Янгиланган бозор яқинда фойдаланишга топширилди. Бу ерда усти ёпиқ павильонлар ҳам барпо этилди, сотувчи-лари қондирмай қолди. Ўзи тор бўлиб, савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун етарли моддий-техника базаси йўқ эди. Шуларни ҳисобга олиб уни қайта қуришга ки-

ЎЗ мухбиримиз.

«ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС»

Тошкент туманидаги 11-мактабда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлиси учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мастура Шокирова бошқарган ушбу тадбирда ҳуқуқий-маърифий тарғибот маркази, Тошкент Давлат Юридик институтини, Тошкент вилоят адлия бошқармаси вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг террорчилар гуруҳига адашиб кириб қолган фуқароларнинг жинсий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги Фармони, суд-



лар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун лоийҳалари ҳақида «Эгали юрт эркини бермас» мавзусида суҳбат олиб бордилар.

Тадбирда иштирок этган туман маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, ўқувчи-ёшлар давра суҳбатида фаол қатнашиб, ўзларини кизиқтирган қўлаб саволларга жавоблар олдилар.

**Шоира
УБАЙДУЛЛАЕВА.**



Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари давом этмокда

КУНЧИҚАР ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Япония ўзбек журналисти нигоҳида» деб номланган фото-кўргазманинг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Япония элчихонаси ходимлари иштирок этидилар. Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада ўзбек журналистларининг Японияга сафарига чоғида тасвирга туширган бодан зияд суратлари намойиш этилди.

Уларни мазмун ва моҳияти жиҳатидан беш гуруҳга ажратиш мумкин.

Токио манзаралари, Япониянинг қадимий обидалари, Хиросима Ғожаеси, Япония оммавий ахборот воситалари ва ниҳоят кунчиқар мамлакат аҳолиси маиший турмушини акс эттирувчи фото суратлардан иборат бу кўргазма Ўзбекистонликларни Япония ҳаёти билан янада яқиндан танишишларида катта роль ўйнайди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сиёсий партиялар ва Халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашилар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 24 ва 45-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар ҳамда Халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашилар томонидан бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Тошкент вилояти

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
Абдуллаев Миржамил	1953	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши	Паркент тумани	Паркент тумани марказий касалхонаси бош врач	160-Паркент
Йўлдошев Бехзод Содикович	1945	Партиясиз	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президенти	
Аҳмадалиева Саида Муродовна	1964	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Чиноз тумани	Чиноз тумани болалар поликлиникаси педиатр врач	171-Чиноз
Юсупов Махаммаджон	1954	Партиясиз	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари	

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Н. КОМИЛОВ.

2000 йил 7 октябрь.

УРУҒЛИК ПАХТА РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

БўКА (ЎЗ мухбиримиздан). Ғаффор Азаматов номли ширкат ҳўжалиги далаларида бу йил ҳосил қўтилганидан зияда бўлди. Бунинг омилиларидан бири С-6524 пахта нави уруғлиги танланиб, сараланиб экилганлигидир.

Барча майдондаги ғўза уруғлик учун мўлжалланиб парвариш қилинди. Теримга барвақт киришилди. Бутун қишлоқ аҳли ишга сафарбар этилди. Ҳашарчилар ҳам мададор бўлдилар. Натижада ҳўжалик ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил топишди, яъни хирмон 2350 тоннага етди. Уруғлик пахта топшириш режаси зиядаси билан адо этилди. Ҳосил асосан биринчи навга қабул қилинди.

Ширкат ҳўжалигининг Олимжон Ғиёсов, Пулат Муқимов, Раҳмат Сулаймоновлар бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик 30-32 центнерни ташкил этди. — Ҳали даламизда ҳосил бор, — дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Омон Амиров. — Биз режага қўшимча яна 150 тонна хом ашё топширишни мўлжалламокдамыз.

«Пахта-2000»

РАИСНИНГ РЕЖАСИ ТЎҒРИ ЧИКДИ

АВГУСТ ойининг охирларида, яъни қўл теримига таллаб киришдилаётган кезларда шу ҳўҳалиқа бўлиб, бошқарув раиси Саидкамол Баҳромов билан бу йилги терим стратегияси ҳўҳусида суҳбатлашган эдик. «Ўшанда раис ис-тихоло қилиб, ортиқча гапирмай, фақат йигим-терим ишлари қандай режа-лаштириладиёгани ҳақида қисқа сўзлаб берган эди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

МАЪЛУМОТ
(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Пскент	2,69	89,23
Чиноз	2,75	87,59
Бўка	2,02	83,66
Янгийўл	2,01	75,20
Оққўрон	3,42	72,61
Бекобод	2,80	71,60
Ўртачирчиқ	3,18	71,17
Юқори чирчиқ	3,52	61,17
Куйичирчиқ	3,01	50,97
Вилоят бўйича	2,82	73,09

МАТЛУБОТЧИЛАРНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

Тўйчи ДЎСТМАТОВ.

Ўз мухбиримиз.

кўргазмасига таширф бюрганлар дизайн соҳасида янгиликлар яратиш борасидаги замонвий муҳандислик ечимлари билан танишиш. Булар – пайпоқ ва газлама шилла чикариш, тўқимачилик, илйиғиршиш, бўяш, беаш ва урш дастгоҳлари, ва қатто тайер кийимлари, дастомлаш ҳижозларидир.

Кўргазмада намоийш этилган тош, мармар, гра-корлик самарасидир. Да-воқе, бугунги турда республикада турли соҳаларда оид 24та Ўзбекистон-Ит-лий қўшма корхонаси ва ваффақиятли фаоли-кўрсатмокда.

В. ПОПЛАВСКИ
ЎЗА мухбири

СУРАТДА: кўргазма за-ларида.

Н. МУХАММАДЖОН
ОЛДАЗ СУРАТ

корлик самарасидир. Да
воке, бугунги кунда респу
ликамызда турли соҳалар
оид 24та Ўзбекистон-Ит
лия қўшма корхонаси м
ваффақиятли фаоли
кўрсатмоқда.

В. ПОПЛАВСКИЙ
ЎзА мухбир

СУРАТДА: кўргазма за
ларида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
09524 СУРАТ

ва Юқоричирчиқ туманларидаги қўлпаб жамоялар буюртмаларини ҳам бажармоқдалар. Айниқса, бу йил етиштирилган галляни ташишга салмоқли ёрдам бериши, Хаммаси ўлиб 11 минг тоннадан ортиқ дон давлат омондорлига етказиб берилди.

Бир маромда ишлайётган транспортчилар ойилк топшириқларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўтган ҳўҳали

«Уэзксомарказ»-да ташкил этилган «Ипак йўли бўйлаб туризм» олтинчи халқаро туристик ярмаркасининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ватанимиз истиқлоли Шарҳ ва Гарб ўртасидаги мустақам ришта саналган Буюк Ипак йўлини тиклаш имкониятини яратганини алоҳида таъкидлаган.

Н. УСМОНОВА
ЎЗА мухбири

Бир маромада ишлаётган транспортчилар ойлик топирчиликларини бажаришда қўшилган қўрсаткичларга эришмоқдалар. Утган ҳужжалик

Акциядорлик жамиятларида

аззолирига тарқатилмоқда. Ўрдамчи ҳужайма ҳам ишчи-изматчилар ихтиёрида. Бу ерда 100 бош қорамол, 20 дан ортиқ от, кўплаб қўй-қўзилар боқилмоқда. Ётиштирилган чорвачилар маҳсулотлари асосан транспортчиларга арзон нархларда сотилмоқда, бир қисми текинга бериляпти. Биргина ўтган йили ўрдамчи ҳужаймада 3,5 тоннадан ортиқ гўшт, 22,5 тонна сут тайёрланди.

— Бизда инсон манфаати биринчи ўринда туради, — дейди очиқ турдаги хиссдорлик жамияти раиси Т. Аширбоев. — Жамоамизда турли миллат вакилларига мансуб бўлган 187 нафар транспортчи ишламоқда. Уларнинг аксарияти хайдовчилардир. Хар бир ишчи-хизматчиси бутун қўч-гайратли

фойдаланишга ҳаракат қилияпти...

Қорхона ҳузурида иккита иссиқхона ҳам барпо этилган. Уларнинг бириди лимон, иккинчисиди турли-туман қўкатлар етиштирилмоқда. Иссиқхона ҳосили бўлган лимон, помидор, бодиринг, турли-туман қўкатлар ва бошқа киш-лук ҳужайма маҳсулотларидан биринчи навбатда шу ердан ишловчилар баҳраманд бўлмоқдалар. Улар бозорда-гидан анча арзон нархларда ишловчиларга сотилмади. Биргина кейинги йилда жамоа аъзолари 195 минг сўмлик лимон, деярли 40 минг сўмлик гул, 14 минг сўмликдан ортиқ қўкатлар арзон нархларда сотилди. Айрим ҳам таъминланган оидаларга эса бепул тарқатилди.

Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустақамлашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Ишчи-хизматчилар доим тиббий қўриқдан ўтказиб турилади. Улар санаторий ва дам олиш уйларида ҳардқ хориқ қиришлари учун арзон нарҳдаги ва текин йўлланмалар билан таъминланиб турадилар. Маъжуд спорт зали қайтадан таъмирланди. Бу ерда транспортчилар ўзларининг бўш вақтларини теннис, билъярд ўйнаш, шохмат-шашка тахта-си устида ўтказишлари мумкин. Биргина футболни ривожлантиришга салкам 200 минг сўм сарфланди.

Айниқса, аёл ишчилар ҳақида доим ғамхўрлик қилинмоқда. Уларга моддий ёрдам қўрсатиш йўлга қўйилди. Ўтган қиш йилиқда 22

касава уюшмаса қўмаси таъжамони ижтимоий муҳофаза қилишни янада қучайтириш билан болғик бўлган қатор янги чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш ниятида. Қўрилаётган даромд ва олинаётган фойда қўйишни билан бу соҳага маблаг ажратиш ортиб бераверади. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини аяқлашга қаратилган ҳайрли ишлар, албатта, ўзининг ижодий самарасини беради. Аввало, у ҳар бир транспортчида меҳнатга бўлган иштиёқ, ишлаб қиришга нисбатан масъулият ҳиссини қучайтиришга олиб қелади. Бу эса, шубҳасиз меҳнатда янги-янги муваффақиятларга эришишга ёрдам беради.

УСМОН МУҲАМЕДОВ

ДУШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати
булаша, 16 октябрь
«Ўзбекистон» 1 телеканали
курсагуларига соат 15.00 дан
бошлаб кўрсатилади.15.00 Футбол. Осиё кубоги-
2000.

16.40 ТВ-метео.

18.30 «Олтин тож». Телевизион
уйин.17.10 ТВ-1 намоиш этиди:
Телеонор.17.25 2000 йил - Соғлом
авлод йили «Соғлом авлод -
бу бизнинг келажигимиз».

17.55 ТВ-маркет.

18.00 Ангилликлар.

18.10 «Наво таралсин».

Мусликий дастур.

18.25 ТВ-патруль.

18.35 «Афсоналот».

18.50 «Бизги воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк
хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Шийондаги
урғушлар». Жизжа вилоти
Заваробод тумани меҳнат-
кашлари ҳақида.

21.35 «Мазнавият» дастури.

22.10 «Футбол шарҳи».

22.25 «Экспедиция».

Телесериал премьераси. 23-
қисм.23.15 «Ўзбектефилем»
намоиши: «Юрагимда унган
гулзорим». Премьера.

23.40 «Ахборот».

00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR
TELEKANALIТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 16 октябрь «Ёшлар»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.

16.00 Кўрсатувлар дастури.

16.05 «Янги авлод» студияси:
«Биланг маслаҳати».Болалар учун концерт,
«Мультимоша».

16.40 «Мусликий лаҳзалар».

16.50 Футбол бўйича Осиё
кубоги. Ливан - Ироқ.

18.25 «Жарен».

18.45 «Мусликий лаҳзалар».

18.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 «Қишлоқдаги
тенгдошим».

19.55 «Мусликий лаҳзалар».

20.00 «Ешлар овози».

20.20, 21.05, 22.30 Эълонлар.

20.25 «Экспресс» телегазетаси.

21.10 «Халлақ». Ҳажвий
тележурнал.

21.30 «Мусликий лаҳзалар».

21.35 «Бир пиёла оқ устида».

21.55 «Иқлим».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Мусликий лаҳзалар».

22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 Футбол бўйича Осиё
кубоги. Жануби Африка -
Кувайт. Таннафус пайтида
(0.10) «Давр». Ахборот дастури.

1.15-1.20 «Тонг юлдузи».

YOSHLAR
TELEKANALIТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 16 октябрь «Ёшлар»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00, 21.00, 22.30, 23.45
«Пойтахт». Ахборот дастури.

18.25 «Осиёишалик фидойилари».

18.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.55, 20.30 «Табриклаймиз,
қутлаймиз».19.45 ТВда сериал: «Қора дур
доналари».

21.25 «Омад» тележурнали.

21.45 ТВда сериал: «Машҳур
ва бадавлат одамлар».

22.55 Оханлар ва эълонлар.

23.00 Киноингоҳ. «Шов-шув».

00.10 «Хайри тун, шаҳрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА

Телеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 16 октябрь «Халқаро»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-
ДЕНИЕСИ.

15.50 Кўрсатувлар тартиби.

15.55 «Бобил минораси».

Телесериал.

17.00 Мультичархалак.

17.20 «Бугун оламда». Ахборот
курсагури.

17.45 «Мени қутти!».

18.35 «Жадлаштирилган
ердам-2». «Ишонч қучи».

Сериал.

19.05 «Қора хона». Сериал.

19.50 «Хайри тун, шаҳрим!».

20.00 «Время».

20.40 «Мухаббат тарихи».

Сериал.

21.25 «Бизнес-рево».

21.45 «ТВ-да Немис тўқини».

22.00 «Вести».

22.30 «Мусликий калейдоскоп».

23.10 Киномотограф. «Узга
замонда».

00.50 Ахборот (рус тилида).

1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Ўзбекистон»
1 телеканали соат 15.00дан
бошлаб кўрсатилади.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 «Қуёшли кўч қўшқилари».

Мусликий дастур.

9.20 ТВ-метео.

9.30 «Узлик». Бадий-
публицистик курсатув.10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Ангилликлар.10.05 Янги алифбони
урғанимиз.

10.25 «Бешбармоқ».

Тележурнал.

10.45 Кўнгузи санас: «Дон-
Кикот барзандлари». Бадий
фильм.

12.05 «Мазнавият» дастури.

12.40 ТВ-метео.

12.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

13.10 «Экспедиция».

Телесериал. 23-қисм.

«Спорт» дастури:

14.10 1. Теннис бўйича
«Челленжер» Халқаромусобақалари. Ярим финал.
Бухоро.

2. «Алломиси уйинлари». Фарғона.

15.20 «Шийондаги урғушлар».

Наманган вилоти Янги тумани
меҳнаткашлари ҳақида.15.55 «Ғозу турлари». «Петянинг
орзуси». Мультифильмлар.

16.35 «Нотаниш дил сўхати».

16.50 ТВ-клип.

16.55 «Ватанимга хизмат
қиламан».

17.55 ТВ-маркет.

18.10 Болалар учун. «Гулгунча-
лар».

18.30 «Хамкорлик ришталари».

18.45 «Олтин мерос». Мусликий
дастур.

19.05 «Фермер».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Энергетика - иқтисодий
таъини».

20.30 «Ахборот».

21.05 А. Навоий таваллудининг
560 йиллигига «Навоийонлики».

21.15 Футбол. Осиё кубоги-2000.

22.55 ҲТБ экранда биринчи
март. «Қалбим чечгани». Бадий
фильм. 1-қисм.

23.35 «Ахборот».

00.10 В. Шекспир. «Қирол Лир».

Ҳамза номиди Ўзбек Давлат
академик драма театри спекта-
клининг премьераси. 1-қисм.

1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR
TELEKANALIТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Ёшлар»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси:
«Биланг маслаҳати». Болалар
учун концерт, «Мультимоша».

9.50 «Мусликий лаҳзалар».

10.00 «Аср кифаси».

10.20 «Рей Браздери театри».

Телесериал. 1-қисм.

10.45 «Мусликий лаҳзалар».

11.00 «Ешлар ва маънавият».

11.15 «Олтин мерос».

11.30 «Даллас». Телесериал.

12.15 «Садо-99» саҳифаларидан.

12.30 Футбол бўйича Осиё
кубоги. Хитой - Индонезия.

14.00 «Мусликий лаҳзалар».

14.15 «Экспрессив-2000».

14.55 «Мусликий лаҳзалар».

15.00 «Бахс».

15.20 «Қотиллик пайдан».

Телесериал (Италия). 1-қисм.

16.05 «Мусликий лаҳзалар».

16.15 Кўрсатувлар дастури.

16.20 «Янги авлод» студияси:
«Боланинг тили». «Соғлом
авлод». Телеуйин.

16.55 «Живовланмаган Африка».

Телесериал.

17.45 «Танч».

18.00 «Мусликий лаҳзалар».

18.05 «Марду-майдон».

18.25 «Иқлим».

18.30 «Давр». Ахборот дастури.

19.00 Футбол бўйича Осиё
кубоги. Япония - Ўзбекистон.

19.55 «Мусликий лаҳзалар».

20.00 «Ешлар овози».

20.20, 21.05, 22.30 Эълонлар.

20.25 «Экспрессив-2000».

21.10 «Халлақ». Ҳажвий
тележурнал.

21.30 «Мусликий лаҳзалар».

21.35 «Бир пиёла оқ устида».

21.55 «Иқлим».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Мусликий лаҳзалар».

22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 Футбол бўйича Осиё
кубоги. Саудия Арабистони -
Кувайт. Таннафус пайтида
(0.10) «Давр». Ахборот дастури.

1.15-1.20 «Тонг юлдузи».

YOSHLAR
TELEKANALIТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Ёшлар»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.55 «Экспресс» телегазетаси.

8.10 «Омад» тележурнали.

8.30 «Рамана». 75-қисм.

9.05 Халқ саломатлиги йўлида.

9.30 «Пойтахт». Ахборот дастури
(рус тилида).

9.55 - 11.35 Киноингоҳ. «Соя».

YOSHLAR
TELEKANALIТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Ёшлар»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00, 21.00, 22.30, 23.45
«Пойтахт». Ахборот дастури.

18.25 «Осиёишалик фидойилари».

18.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.55, 20.30 «Табриклаймиз,
қутлаймиз».19.45 ТВда сериал: «Қора дур
доналари».

21.25 «Омад» тележурнали.

21.45 ТВда сериал: «Машҳур
ва бадавлат одамлар».

22.55 Оханлар ва эълонлар.

23.00 Киноингоҳ. «Шов-шув».

00.10 «Хайри тун, шаҳрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА

Телеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Халқаро»
телеканали соат 16.00дан
бошлашади.14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-
ДЕНИЕСИ.

15.50 Кўрсатувлар тартиби.

15.55 «Бобил минораси».

Телесериал.

17.00 Мультичархалак.

17.20 «Бугун оламда». Ахборот
курсагури.

17.45 «Мени қутти!».

18.35 «Жадлаштирилган
ердам-2». «Ишонч қучи».

Сериал.

19.05 «Қора хона». Сериал.

19.50 «Хайри тун, шаҳрим!».

20.00 «Время».

20.40 «Мухаббат тарихи».

Сериал.

21.25 «Бизнес-рево».

21.45 «ТВ-да Немис тўқини».

22.00 «Вести».

22.30 «Мусликий калейдоскоп».

23.10 Киномотограф. «Узга
замонда».

00.50 Ахборот (рус тилида).

1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИТелеомошбамлар диққатига!
Профилактика муроабати була-
ша, 17 октябрь «Ўзбекистон»
1 телеканали соат 15.00дан
бошлаб кўрсатилади.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 «Қуёшли кўч қўшқилари».

Мусликий дастур.

9.20 ТВ-метео.

9.30 «Узлик». Бадий-
публицистик курсатув.10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Ангилликлар.10.05 Янги алифбони
урғанимиз.

10.25 «Бешбармоқ».

Тележурнал.

10.45 Кўнгузи санас: «Дон-
Кикот барзандлари». Бадий
фильм.

12.05 «Мазнавият» дастури.

12.40 ТВ-метео.

12.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».</

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

“МЕН ШЕЪР ЁЗДИМ ГУРКУРАГАН ЮРТГА БЎЙЛАБ”

Севимли шоиримиз, ўзининг бектор ижоди билан халқнинг юрагига кириб борган Муҳаммад Юсуфни кўпчилик яхши билади. Муҳаммад Юсуф 1954 йилда Марҳаматнинг сўлими Қовунчи қишлоғида туғилган. Республика рус тили ва адабиёти институтини тахсил олган. «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози» газеталарида журналистлик фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг уринбосари.

«Таниш тераклар», «Кўнглимда бир ёр», «Осмонимга олиб кетаман», «Рух кемами» сингари ўндан ортиқ шеърини тўпламлар муаллифи. Унинг ўзбек шеърларидаги камтарона хизматлари «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан тақдирланган.

Муҳаммад Юсуф нафақат шоир, балки, республикамизда маънавият, маърифат, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол ижодкордир. Айниқса, у Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш соҳаси мутасаддиси сифатида миллий мафкурамизни ёшларимиз онига синдириш, уларни фақатгина қаламқаш эмас, ҳақиқий Ватан фидойилари қилиб тарбиялаш борасида



хайрли ишлар қилмоқда.

— Аслида «мен ёзувчиман» деб, уч-тўрт одамни ўзига қарата олган қаламқаш сийсатчи ҳамдир, — дейди Муҳаммад Юсуф. — Чунки у ҳаммаша халқ кўз ўнгига, одамлар билан мулоқотда бўлади. Фақат шеър ёзиш билангина миллат равнақи, миллатдош тақдирини елкадош бўлиш мумкин эмас. Ижодкорнинг жамоат орасида ҳам фаолияти сезилиб туриши лозим. Бефарқ, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган худбин кимсалар менинг юрагимга яқин кишилар эмас.

Ҳақ гап. Муҳаммад Юсуф ёниб яшайди. Жўшиб ёзади. Унинг ижодида ҳаммаша ботиний туйғулар — миллатига, юртига муҳаббат акс этиб туради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуфнинг номзоди бўлаб қолган 171-Чиноз сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилди. Уйлаймизки, сайловчилар унга ишонч билдирадilar. Бу ишонч эса шоирни халқ, миллат манфаати, Ватан равнақи йўлидаги фаолиятини янада кенгайтиради.

Ардоқли шоиримиз, дўстимиз Муҳаммад Юсуф «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ва муштарийлари билан тез-тез учрашиб туради. Қуйида у газетхонларимизга ўзининг янги шеърини гулдастасини ҳавола этмоқда.

Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё —
Тўполондорёни менга қолдириб.
Сўнги ўтинчингиз айладим бажо
Кўзларимни тўсган сочим олдириб!..

Меҳримни бошимга урайми энди,
Шеъримни бошимга урайми.
Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,
Ёрилмай яшаган юрак — юракми?..

Ота юзларимни сув босиб кетди,
Кўзёш пайҳон қилди кўнглим гулзорин.
Менинг китобларим,
Менинг шеърларим —
Қадрингиз билмаган йилларим зори...

ШАВАЛЛУ

Қирқ йил...
Қанча қушлар кетиб, қушлар қайтди,
Менга меҳнат йўрагимдан юққан экан.
Аранг англаб олдим соқов акам айтди —
Онам мени пахтазорда туққан экан.

Соқов дедим. Акам асли дудуқ бироз,
Асли шоир ўша ўзи — мен тилмочман.
Дили тўла дард-у сайролмайдиган холос,
У бир булбул бўлса, мен бир қалдиручман.

Яхшиямки соқов, —
Аммо доно соқов,
Сўзни сайлаб ёзгин, кўнглим тўлсин дейди.
У соғ бўлса бизларга нон тегмасди-ёв,
У соғ бўлса бизларга йўл бўлсин энди...

Юртим омон бўлсин бари болаларинг,
Ва уларга доя, туғруқхоналар ҳам.
Омон бўлсин уфққа туташ далаларинг,
Далаларда бизни туққан оналар ҳам!

ФАРЁД

Кўрмай яшаб кетганлар бор бахтиёр,
Билмай яшаб кетганлар бор бахтиёр.
Биз сен билан қўл ушлашиб юргандик,
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

Кўришмасдик Худойим тенг кўрмаса,
Кўриштириб сўнг наҳот ҳол сўрмаса.
Бахт берса-ю, аммо фарзанд бермаса,
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

Натай шундай кенг дунёга сизмасам,
Боламга деб ўйинчоқлар йиғмасам,
Тушларимда алла айтиб йиғласам,
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

Тун чўкса-ю, кўринмаса тонготар,
Қай томонга ёнбошласам тош ботар,
Онам олиб қўйган бешик бўш ётар
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

Синови бу ё синоат билмадим,
Ё кўнликим ё қаноат қилмадим
Битта йўрак ювиб дорга илмадим,
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

Кўнглим ўқсир қўйнимга зар тўлса ҳам,
Уйим агар Тожимаҳал бўлса ҳам,
Вой болам-а, тугилмаган жон болам,
Айб мендами, айб сендами энди ёр?..

СУРАЙЁ

Кўзларига юлдузлар
Термуларди Сурайё,
Юзларидан ой тиниб
Ўргиларди Сурайё,
Кўчаларга чиқмаса
Не қиларди Сурайё?..
Кўнгли тонги
— шабнамдек,
Хусни тенгсиз эди-я.
Ўзи бир қиз эди-я,
Сочи бир қиз эди-я.

Шундай қизни яратган
Қандай заргар эди-я,
Уни кўрса гуллар ҳам
Кўз ёш тўқар эди-я
Бир қош уйса дунёга
Тунлар чўқар эди-я,
Бир жилмайса
— зимистон
Тунлар кундуз эди-я,
Ўзи бир қиз эди-я,
Сочи бир қиз эди-я...

Бир кўришга зор бўлиб,
Йўлин пойлаб ётардик.
Жонимизни пойиза
Садқа айлаб ётардик.
У кўчага чиққан кун —
Биз гуноҳга ботардик.
Уни хусни ўлдирди,
Унга кўлар тедди-я.
Ўзи бир қиз эди-я,
Сочи бир қиз эди-я.

ШОИР СЕВГИСИ

Танимайман дейсиз.
Билмайман дейсиз,
Ёрижон, нозми бу,
Шўхликларингиз?..
Мени танир ҳатто,
Киприкларингиз,
Сиз эса шоирни
Севмайман дейсиз.

Кўриб-кўрмасликка
Олмоқлар осон,
Сиз-ку кўрсангиз ҳам
Олмайсизу тан,
Мени таниб, ҳатто,
Хар кун кўчамдан,
Сочингиз қўл силкиб
Ўтар, ёрижон...

Биламан тахминан
Шундай ўйлайсиз:
Шоирлар — девона,
Тузалмайдилар.

Шоирнинг севгиси
Ўткинчи дейсиз,
Шоирлар одамдек
Севолмайдилар.

Ёна-ёна бир кун
Кўйингизда мен,
Адо бўладиргон
Қулга ўхшайман.
Энг гузал шеърини
Тўйингизда мен
Пойингизга гулхан
Қилиб тўшайман.

Кўркманг. Янгар қўшиқ.
Тугамас ўйин,
Кўрганлар сиздан кўз
Узоқлайдилар...
Шоирлар бузолмас
Бировнинг тўйин,
Бировнинг уйини
Бузолмайдилар!

ШИЛАК

Хар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,
Хар кимса ўз қулбасида даворин сурсин.
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда
Ҳатто, қушининг ёт шохдаги уни қурсин.

Тирик инсон бир кун оч, бир кун тўқдир,
Бир кун тўқин, бир кун бурда нони йўқдир.
Бир ўғил-ку отасиз ҳам кунин кўргай,
Отаси йўқ халқнинг кўрган кунин қурсин!..

Гарчи бошин эгани йўқ эдик бизлар,
Эканидан теккани йўқ эдик бизлар.
Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...
Ўша зулмат ўтмиш сенинг уйинг қуйсин.

Ўз элингда энди қушининг ўзинг чоғла,
Ўз қўлингда энди қушининг ўзинг оғла.
Олтинларинг тирноқларинг билан кавла.
Ва йиғиб қўй! Болаларинг учун турсин.

Бешиқларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар,
Тили чиқмай кўзи чақнар хур ўзбеклар —
Давлатбеклар, Ўзбекистонбеклар,
Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.

Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,
Мен шеър ёздим гуркураган юртга бўйлаб.
Шундай юртни Худойимнинг ўзи қўлаб,
Шундай юртни Худо ўзи асраб юрсин!..

ОПА

Ота, ёзгангизни сув босиб кетди,
Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.
Менинг китобларим бир жамбилбаргча
Ёзолмади хуморингизни...

Телевизорлардан жилмаймоқ нима,
Мен шеърлар ўқидим, кўнглингиз тўлмади.
Оқшом оқ даладан бир боғлам сомон
Келтирган болача нафим бўлмади.

Қирқ йиллик осолка қийнади бир кун,
Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим,
Учиб боролмадим самолёт бўлиб,
Ота, деб осмонга тегиб курагим.

МАШХУР ТҶИМАС

1963 йил АКШнинг Калифорния штати Сан-Франциско шаҳридаги Эдвард Миллер бир ўтирган хар бири ўртача 907 грамм келадиган 28та товуқни пажқос тушуриб, ресторан ходимларига миннатдорчилик билдириб ўрнидан турганида мингдан ортиқ тўпланганлар хангу манг бўлиб қолишган эди.

ЭНГ ТЕЗ ТУХУМ ЮТИШ

1984 йил англиялик Пи-

тер Даудесуэлл 1 сония (секунд)да 13та хом тухумни ичишга улгурган. 1987 йил эса Джон Кенмуир 14, 42 сонияда 14та пиширилган тухумни танаввул қилиб рекорд ўрнатган.

ЭНГ КАТТА ГАМБУРГЕР

1989 йил Аутагейми Канунтий Фэарграундтс (АКШ, Висконсин) 2,5 тоннали

гамбургер тайёрлаб, жаҳонда рекорд ўрнатган.

ПИЁЗ ТОЗАЛАШ

1980 йил Коннектикут штатидан (АКШ) Алан Сейнт Джин 3 дақиқа-ю 18 сонияда 22,67 кг пиёзни тозалашга муваффақ бўлиб, рекорд ўрнатган ва Гиннес китобига кирганди. Германиянинг Цене (Тюрингия) шаҳридаги «Брат-

вурст» фирмаси колбаса цехи ходимлари чўчка гўштдан узунлиги 3,1 км колбаса ишлаб чиқаришган ва 1994 йил дунё бўйича рекорд ўрнатиб, ном қозонишган эди.

МУЗКАЙМОК ЕЙИШ РЕКОРДИ

1986 йил Нью-Йорк (АКШ) штатидан Тени Даудесуэлл 1,53 кг музқаймоқни 31, 67 сонияда танаввул қилишга муваффақ бўлиб, рекорд ўрнатган.

Турсунхўжа АЗЛАХОНОВ тайёрлади.



Об-хавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 15-18 октябрь кунлари поятимиз ва Тошкент вилоятининг баъзи жойларида ёмғир ёғади, кейинчалик хаво очилиб кетади. Ҳарорат ўзгариб туради. Кечалари 6-11 дан 2-7 даражагача, кундуз кунлари эса 12-17 дан 15-20 даражагача илиқ бўлади.

Яккасарой туманидаги хусусий тадбиркор Парпиев Азиз Тўлқинович

ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ
ТУГАТАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 55-21-04 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«ИМКОН» ёпиқ ҳолатдаги акциядорлик жамияти, мулк шакли ва адлиявий мақоми, хусусий фирма шаклига ўЗГАРТИРАЯПТИ.

Давволар бир ой муддат ичида 74-34-46 телефони орқали қабул қилинади.

Маънавий мерос

ШАЙХ ҲОВАНДИ ТОҲУРНИНГ АСАРЛАРИ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фондида бир юз йигирма мингдан зиёд нодир асарлар сақланади. Форс, араб, ҳинд, урду, эски ўзбек ёзувидаги ушбу ноб қўлғамалар асарларнинг аксарияти ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Яқинда Маҳмуд Ҳасаний бошчилигидаги бир гуруҳ институт тадқиқотчилари томонидан Марказий Осиё маданияти тарихида катта из қолдирган атоқли олим, йирик тасаввуф намоёнаси, шоир Шайх Ҳованди Тоҳурнинг (Шайхонтоҳур) форс тилидаги бир неча қўлғамаси аниқланди.

«Рисолаи муволажоти нафс», «Шарҳи Ҳадис», «Рисолаи Тавҳид», «Рисолаи даҳ шарт», «Муҳтасар дар фавойиди тариқат ва шариат» сингари асарлар ун учинчи асрнинг охирилари ва ўн тўртинчи асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Шайхонтоҳур қаламига мансуб экан.

Маҳмуд Ҳасанийнинг таъкидлашича, Шайх Ҳованди Тоҳурнинг яна бошқа асарлари билан бирга шеърлар девони ҳам бўлиши мумкин. Унинг оқорида номи зикр этилган асарлари «Мерос» нашриётида чоп этилиши мўлжалланмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Бугун Ливаннинг Сайда шаҳрида ўзбекистонлик футболчилар «С» гуруҳида футбол бўйича Осиё чемпионати чорак финалига чиқиш учун Каттар терма жамоаси билан ўзининг дастлабки ўйинини ўтказди.

Шунингдек, 16 ва 18 октябрь кунлари футболчиларимиз Япония ва Саудия Арабистони спортчилари билан куч синашди. Футбол бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси ушбу ўйинлар олдида хорижда ва республикамизда базаларда жиддий тайёргарликдан ўтишди ва футболчиларимиз ўз муҳлисларини ғалабалар билан хушуд этиш ниятида. (ЎЗА).

БОЛАЛАР ЎЙИНИДАН КАТТА МАЙДОНГА

ВИЛОЯТ футбол федерацияси республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлигининг аҳоли ўртасида футболни кенг оммалаштиришга қаратилган қарорларини бажара бориб, болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, 1999 йилдан бошлаб болалар ва ўсмирларнинг ёшлари бўйича уч гуруҳга бўлиб, вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

БУ ЙИЛ ҳам 1989-1990 йиллар ва 1987-1988 йилларда тузилган болалар ҳамда 1985-1986 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган вилоят чемпионатининг Низоми ишлаб чиқилди. Туман ва шаҳарлардаги жамоалар апрель-июль ойлари давомида турта худудий гуруҳларга бўлинган ҳолда дастлабки мусобақаларни ўтказдилар. Ўз гуруҳларида 1- ва 2-ўринлари олган жамоалар финалда учрашдилар.

1988-1990 йилларда тузилган болалар жамоалари ўртасида Тошкент давлат Аграр университетининг ўртақчилик туманидаги ўқув кўчаларида ўйингоҳида бўлиб ўтган биринчи гуруҳ финал учрашувида Ангрэн шаҳар жамоаси (бош мураббий — Темур Халилов) ғолиб чиқди. 1987-1988 йилларда тузилган болалар ўртасидаги иккинчи гуруҳ финал учрашувида Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда Бўка тумани болалар жамоаси (бош мураббий — Шарофиддин Сирохиддинов) биринчи ўринни эгаллади. «Қибрай» ўйингоҳида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги ўчинчи финал ўйинларида Оққўрғон тумани жамоаси ғолиб чиқди.

Хар томонлама мукамал уюштирилган финал ўйинлари ҳакамлар томонидан ҳолис ва юксак савияда ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Финал гуруҳлари ғолибларига ва совриндорларига махсус диплом ҳамда турли хил қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Оққўрғон тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари болалар ва ўсмирлар вилоят чемпионатининг барча гуруҳларида ўз вакилларининг фаол иштирокини таъминладилар. Бироқ ўртақчилик тумани халқ таълими бўлими иккинчи ва ўчинчи финал гуруҳларида уйнаш ҳуқуқини қўлга киритган жамоаларнинг иштирок этишини таъминлашнинг уддасидан чиқолмадилар. Бунинг учун маблағ йўқлигини рўқач қилиш узурли сабаб бўлолмайди, албатта.

Айниқса, Тошкент, Янгийўл, Чиноз, Охангарон ва Пскент туманларининг ушбу муҳим биринчиликда мулқало иштирок этмаганлиги кечириб бўлмас ҳолидир. Ваҳоланки, катта футбол сари йўл болалар ва ўсмирлар футболдан бошланди. Бунинг тушунмаслик ёки менсимаслик вилоятимиз, қолаверса, мамлакатимиз футболининг эртанги кўнига, унинг равнақига бефарқ муносабатда бўлишдан бошқа нарсаси эмас.

ЎЗ мухбиримиз.

АФСУС, УМИД КАТТА ЭДИ

Илгари хабар қилганимиздек, Фарғонада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар кубок эгалари иштирокида футбол турнири бўлиб ўтди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН, Тошкент шаҳри ва республика вилоятлари чемпионлари сафига қўшилиб, республика футбол чемпионати биринчи табақасига ягона йўлланма учун курашиш ҳуқуқини берувчи ушбу турнирда вилоятимиз вакили «Қорахитой» жамоаси дастлаб ўз гуруҳларида Навоий вилоятининг «Нурота» футболчиларини 6:1 ва «Жиззах» жамоасини 7:1 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финалга чиққанларини маълум қилган эдик. 11 октябрь кунги ярим финал учрашувида эса Тошкент шаҳрининг «Давро» жамоасини ҳам йирик — 8:1 ҳисобида енгдилар.

Афсуски, вакилларимиз умиддан оқлай олишмади. Финал учрашувида Фарғона вилояти шаҳарини ҳимоя қилган «Олтиарик» жамоаси қорахитойликлар дарвозасига 2та жавобсиз тўп йўллаб кубок соҳиб бўлдилар ва биринчи лигага ўтиш босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ягона йўлланмани қўлга киритдилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар
булими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.